Саноат ходимлари! Халқ истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, уларнинг хилларини янгилаб турингиз, бу товарларнинг сифатини яхшилангиз ва таннархини камайтирингиз! Совет кишиларининг талабларини тўлароқ ҳисобга олингиз!

[КПСС Марказий Комитети 1-Май Чақириқларидан].

БЕШ ЙИЛЛИК—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Мусобақа якунлари

Ўзбекистон пойтахтидаги саноат корхоналари, транспорт, алоқа ва қурилиш-монтаж ташкилотларининг коллективлари КПСС XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани ҳар тарафлама кенг авж олдириб, биринчи кварталда меҳнатда ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар.

70 дан ортиқ корхона ва қурилиш-монтаж ташкилотлари съездолди социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

Шаҳар саноати биринчи квартал планига қўшимча 45,8 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилди, 400 трактор прицепи, 1003 газ плитаси, 700 холодильник ҳамда кўплаб енгил ва озиқ-овқат саноати товарлари ишлаб чиқарди.

Маҳсулотни реализация қилиш биринчи квартал планини 105,3 процент қилиб бажарган Ҳамза районидаги корхоналарнинг коллективлари, айниқса, яхши натижаларни қўлга киритдилар.

Халқ хўжалиги буюмлари ишлаб чиқариш ва реализация қилишда шаҳардаги авиация, «Ташсельмаш», трактор-йиғув, «Ташкентқабель», асбобсозлик, электрон-техника, трактор, холодильник, граждан авиацияси ремонт-механика заводларининг, «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси, 3-автокомбинат, 3, 153, 159-қурилиш трестлари, «Ташинжстрой», «Отделстрой», «Средазтрансстрой», «Ташсантехгазмонтаж» ва бошқа корхоналарининг коллективлари яхши кўрсаткичга эришдилар.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети районлар ва корхоналараро биринчи квартал социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқди ва Ҳамза районини мусобақа ғолиби, деб топди. Шаҳар партия комитети ва ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи доимий сақлаш учун Ҳамза районида қолдирилди.

Собир Раҳимов, Ленин ва Чилонзор районидаги корхоналарнинг яхши ишлаганлиги қайд этилди.

Биринчи квартал социалистик мусобақасида юқори кўрсаткичларга эришган шаҳар саноат корхоналари, шуниндек, қурилиш-монтаж ташкилотларининг номи шаҳар Ҳурмат тахтасига ёзилди.



СУРАТДА: Тошкент кўн-галантерея фабрикасининг пешқадам ишчиси Роҳила Тилаволдиева. У беш йилликни тўрт йилда бажаришга аҳд қилган.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

6-йил чиқиши. 27 АПРЕЛЬ 1971 й. СЕШАНБА № 98 (1473). БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТЎҒРИ ОЙЛИК ПЛАН ТАЙЁР!

УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон ССР саноати ходимлари май олди социалистик мусобақасини авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш, нефть, кўмир қазиб чиқариш, прокат, шифер, дераза ойна, цемент, пахта толаси, ўсимлик мойи ва бошқа жуда кўп муҳим буюмлар ишлаб чиқариш тўрт ойлик планини муддатидан илгари — 25 апрелда бажардилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

ПОЙТАХТ САНОАТЧИЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларидан бениҳоя руҳланган ҳолда меҳнат қилиш ҳамда майолди социалистик мусобақасини авж олдириш туфайли катта зафар қўндилар. Маҳсулот реализация қилиш тўрт ойлик плани муддатидан илгари — 27 апрелда тўла бажарилди.

Қатор саноат маҳсулотлари, жумладан, кўмир қазиб чиқариш, прокат, шифер, дераза ойнаси, цемент, пахта толаси, ўсимлик мойи ва бошқа кўпчилик муҳим буюм турлари тайёрлаш тўрт ойлик топшириғи барвақт адо этилди.

ДЎСТЛАР МУКОФОТИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида «Венгрия озодлигининг XXV йиллиги» юбилей медалини топшириш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги Давлат хавфсизлик комитетининг раиси А. Д. Бесчастнова ана шу медаллар топширилди. Мукофотларни Венгрия Халқ Республикасининг СССРдаги элчихонаси биринчи секретари Аладар Немет топширди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов мукофотланганларни қизғин табриклади. (ЎзТАГ).

КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширамиз!

ЖАНГОВАРЛИК РУҲИДА

Бугун

пойтахтимиз районларида ўтаётган партия активи йиғилишлари ҳамда пленумларида КПСС XXIV съездининг якунлари ва район партия ташкилотлари олдида турган вазифалар қизғин муҳокама қилинмоқда.

Маълумки, пойтахтдаги тўққиз районнинг ҳаммаси съезд шарафига олинган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарган эдилар. Эндиликда, коммунистлар янги беш йилликда саноат, қурилиш, алоқа, транспорт корхоналари ва ташкилотлари, халқ маорифи ҳамда медицина муассасалари коллективлари олдида турган вазифаларни муҳокама қилмоқдалар. Кеча Ленин, Октябрь, Куйбишев, Чилонзор, Собир Раҳимов ва Киров районларида бўлиб ўтган партия активи йиғилишларида коммунистлар янги беш йилликнинг юксак марраларини белгилаб, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш планларини тузиб олдилар.

Эртага бундай партия активи йиғилишлари Фрунзе ва Ҳамза районларида ўтказилади.

ИНЖЕНЕРЛАР МАСКАНИ

Пойтахтимизнинг Энгельс ва «1-Май» кўчаларини муюлишида алоқа инженерларининг улкан маскани бунёд қилинади.

Бугун

давлат алоқа лойиҳаси институтининг ходимлари учун мўлжалланган бу бинонинг лойиҳалари қурувчиларга топширилди. Инженерлик корпуси шу алоқа институтига қарашли бўлади.

Тўққиз қаватли ҳашаматли бинода мингдан ортиқ инженерларнинг ишлашлари учун етарли имкониятлар яратиб берилади. Қурилиш ишларини 11-трестнинг 69-бошқармаси азаматлари яқин вақтлар ичида бошлаб юборадилар.

БИР НЕЧА МИНУТДА

Ҳозирги кунда барча соҳалар каби қурилиш техникасидаги ҳисоблашларни электрон-ҳисоблаш машиналари бажармоқда. Республикамизда 40 дан ортиқ турли лойиҳа институтлари бор. Бу ерларда қанчадан-қанча турли касбдаги мутахассислар ишламоқда. Қурилиш конструкцияларининг чидамлилиги ҳар қайси институтда алоҳида-алоҳида ҳисобланади. Бу эса бир ишни ўнлаб инженерларнинг бир-биридан бехабар ҳолда беҳуда вақт сарфлаб ҳисоблашларига олиб келарди. Шундай мураккаб ҳисобларнинг программаси тузилиб машинага берилса, у бир неча минутда керакли хулосаларни кўрсатади.

Яқинда қурилиш бўйича турли ҳисобларни бажарувчи ана шундай марказ Ўзбекистон Давлат лойиҳа институтида ташкил этилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитетининг қарорига мувофиқ Тошкентда ташкил этилган бу координация ҳисоблаш маркази республикамиздаги барча лойиҳа ва қидирув ташкилотларининг мушкулини осон қилади.

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ МАРКАЗИ

Обсерватория кўчасида беш қаватли янги гидрометеорология маркази биноси қурилмоқда. Бунда об-ҳаво маълумотларини аниқлаб берадиган энг янги жиҳозлар ўрнатилади. Бу ноёб объект шу йилнинг июнь ойида фойдаланишга топширилади.

159-трестнинг 53-қурилиш бошқармаси юздан ортиқ қурувчилари меҳнат қилаётган беш қаватли бу бинода прораб К. Мудагалиев ва Б. Виноградов бошчилигидаги сувоқчилар охирги ишни ниҳоясига етказишмоқда.

ТЎҒРИ ОЙЛИК ПЛАН ТАЙЁР!

УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон ССР саноати ходимлари май олди социалистик мусобақасини авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш, нефть, кўмир қазиб чиқариш, прокат, шифер, дераза ойна, цемент, пахта толаси, ўсимлик мойи ва бошқа жуда кўп муҳим буюмлар ишлаб чиқариш тўрт ойлик планини муддатидан илгари — 25 апрелда бажардилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

ПОЙТАХТ САНОАТЧИЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларидан бениҳоя руҳланган ҳолда меҳнат қилиш ҳамда майолди социалистик мусобақасини авж олдириш туфайли катта зафар қўндилар. Маҳсулот реализация қилиш тўрт ойлик плани муддатидан илгари — 27 апрелда тўла бажарилди.

Қатор саноат маҳсулотлари, жумладан, кўмир қазиб чиқариш, прокат, шифер, дераза ойнаси, цемент, пахта толаси, ўсимлик мойи ва бошқа кўпчилик муҳим буюм турлари тайёрлаш тўрт ойлик топшириғи барвақт адо этилди.

ДЎСТЛАР МУКОФОТИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида «Венгрия озодлигининг XXV йиллиги» юбилей медалини топшириш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги Давлат хавфсизлик комитетининг раиси А. Д. Бесчастнова ана шу медаллар топширилди. Мукофотларни Венгрия Халқ Республикасининг СССРдаги элчихонаси биринчи секретари Аладар Немет топширди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов мукофотланганларни қизғин табриклади. (ЎзТАГ).

Транспорт ишлари учун

Тошкент трактор заводида юк ташишга мўлжалланган тўрт ғилдиракли трактор яратилди. Бу машинанинг тажриба намунаси «Т-28-Х4» маркали уч ғилдиракли агрегат базасида тайёрланди. Корхона уч ғилдиракли тракторларни кўплаб ишлаб чиқаришни бултур ўзлаштирган эди.

Янги тракторнинг «бўйи» аввалгисиникидан пастроқ, аммо тезлиги уникидан қарийб икки баравар ошиқ. Бунинг устига янги трактор юрганда ҳам анча барқарор ва 240 килограмм енгил.

Юк ташишга мўлжалланган тўрт ғилдиракли тракторнинг тажриба намуналари синаб кўриш учун Ўрта Осиё республикаларига юборилди. (ЎзТАГ).

Бугун — Собир Раҳимов районида

Район истиқболи

Тошкентнинг кенжа районида қурилаётган бинолар лумот берсангиз? **Собир Раҳимов районида ҳақида қисқача маъ-**

А. ҒОЗИЕВ.

✦✦✦

Шаҳримиздаги Собир Раҳимов райони ҳамма районлар ичида энг кенжаси ҳисобланади. Бу ерда янги беш йиллик даврида кўплаб турар-жой бинолари бунёд этилади. Бугун биз сизга ана шу районда яқин ўрталарда қурилладиган ва фойдаланишга топширилдиган бинолар ҳақида маълумот берамиз.

* * *

Чимбой кўчасида яқин кунларда коммунал хизмати корхонаси ишга туширилади. Унда 110 ўринли ҳаммом ва бир суткада икки тонна кир ювадиган комбинат ишга туширилади.

* * *

Шу йилнинг охирида 1-Қорақамиш массивининг 3-микрорайони аҳолиси янги «Лола» кинотеатрида мириқиб кино кўришади. Бу кинотеатр 800 ўринга мўлжалланган.

* * *

Студентлар шаҳар-часида зоология ва паразитология илмий текшириш институтининг асосий корпуси қурилиши ишлари ниҳоясига етказилди.

* * *

1-Қорақамишнинг 3-микрорайонида «Жилстрой» трестининг қурувчилари 42 минг 662 квадрат метр турар-жой биноларини фойдаланишга топширишади. 21-уйда яқин кунларда ўнга яқин хонадон ҳовли туйларини ўтказишади.

* * *

Яқин кунларда 2-Қорақамиш массивида бир кунда 750 киши хизматида бўладиган поликлиника ишга тушади.

Яна дорихона ва нон магазини ҳамда ошхона аҳоли хизматида бўлади.

* * *

1 сентябрда 1104 ўқувчига мўлжалланган 55-мактабда биринчи қўнғироқ чалинади.

* * *

Чинни заводини реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Реконструкциядан сўнг корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот ики бараварга ошади.

* * *

Районда бешта болалар боғчаси қурилаяпти. Яқин кунларда 280 ўринли иккита болалар боғчаси аҳоли хизматида бўлади. Бу боғчалар Қорақамиш массивининг биринчи ва тўртинчи микрорайонида ишга туширилади.

* * *

1971 йилда районда 170 минг 700 квадрат метр ҳажмда бинолар қуриб, фойдаланишга топширилади.



Тошкентдаги керамика заводининг кекса ишчиси Юнус Зиямуҳамедов ўз меҳнат фаолияти давомида кўплаб ёш ишчиларга устозлик қилди, уларни малакали мутахассис қилиб етиштирди.

СУРАТДА: ёш ишчи А. Юсупов устози Юнус Зиямуҳамедовнинг иш тажрибалари билан танишмоқда.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

МЕТОДИК КОНФЕРЕНЦИЯ

Ф. Энгельс номидаги чет тиллар педагогика институтида республика педагогларининг илмий-методик конференцияси ўз ишини бошлади.

Конференцияни институт ректори, профессор Т. Ж. Жўраев кириш сўзи билан очди. Институт доценти В. Тельцов, республика олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг вакили С. А. Немировскийлар студентларнинг мустақил сиёсий-тарбиявий ишлари тўғрисида докладлар қилишди.

Конференция нинг бешта секциясида 30 га яқин доклад тингланди.

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Калинин райони меҳнаткашлари бу йил шаҳар аҳолисига 53 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятларини олишган.

Шаҳарликлар қишлоқ меҳнаткашларидан ҳозиргача 201 тонна сабзавот маҳсулотлари олишди.

Шаҳарликларни мўл-кўл сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда Оржоникидзе, Карл Маркс, Куйбишев номли колхозларнинг сабзаворкорлари ғайрат кўрсатишяпти.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Чорвачилик маҳсулотларини саноат асосида ишлаб чиқаришни ривожлантириш тўғрисида» ва «Саноат асосида тухум ҳамда парранда гўшти етиштиришни янада кўпайтириш чоралари тўғрисида» қарорлар қабул қилдилар.

✦ Ватан бинокорларининг ишига юксак баҳо берди. Саккизинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда қўлга киритган муваффақиятлари учун «Главташкентстрой» ходимларидан беш юзга яқин киши ҳукуматнинг юксак мукофотларини олишга сазовор бўлди. Бу мукофотлар 26 апрелда тантанали вазиятда топширилди.

✦ 1971 йил 1 кварталда Ўзбекистон ССР саноатида давлат планини бажариш якунлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахбороти эълон қилинган.

БОЛАЛАР ҚУВОНСИН ДЕБ...

Фрунзе районидаги иттифоқ шанбалигида Бўржар ариғи ёнида болалар учун кўркам парк бунёд этиляпти. Бу ерда болалар ўйнаб-кулиб ҳордиқ чиқарадиган майдончалар бўлади.

17 апрель — Бутун-

ЗАМОНАВИЙ ҚЎШИҚЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ўтган шанба куни Алоқа институтининг мажлислар залида куй ва қўшиқ мухлислари билан гавжум бўлди. Бу ерда ҳар йили ўтказиладиган анъанавий эстрада қўшиқлари фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда институтнинг «Титрод» ва «Импульс» эстрада ансамблари, Политехника институтининг «Синтез», Физкультура институтининг «Скифлар» ва лойиҳачилар клубининг ансамблари иштирок этишди.

Ҳаваскор эстрада қўшиқчилари ижро этган совет ҳамда чет эл композиторларининг ёқимли куй ва ашулалари йиғилганларни хушнуд этди. Улар ёш ижрочиларни гулдирос қарсаклар билан олқишладилар.

Фестиваль жюриси томонидан энг яхши қўшиқчилар ва куй ижрочилари Фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Хотин-қизлар совети

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари турли корхоналарда мураккаб дастгоҳларни бошқараётган, олий ўқув юртларида турли фанлар бўйича лекциялар ўқиётган, маъмурий идораларда раҳбарлик қилаётган ажойиб хотин-қизлари билан фахрланадилар.

Районда хотин-қизлар советини тузишга бағишлаб биринчи конференция бўлиб ўтди. Конференцияда район партия комитетининг биринчи секретари М. Х. Қурбонов кенжа районнинг истиқболи, меҳнаткашлар олдида турган вазифалар ва бу ишда садоқатли аёлларнинг муносиб бурчи ҳақида гапирди. Шундан кейин район партия комитети секретари Д. Мадкаримова «КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш ва хотин-қизлар олдида турган вазифалар» деган темада доклад қилди.

Шундан кейин 2-туғруқхонанинг бош врачи Р. Хўжаева, 6-қурилиш трести ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи В. Вижлицова, КПСС XXIV съезди делегати, пилла-кашлик фабрикасининг ишчиси С. Йўлдошева, «Шарқ» мебель фирмасининг мастери Н. Қўшоқова, 24-мактаб илмий ишлар бўлим мудири Н. Назарова ва бошқалар ўз коллективларининг олиб бораётган ишлари ҳақида гапириб бердилар.

Конференцияда район хотин-қизлар советининг раиси қилиб 133-ўрта мактаб директори Д. Ҳамидхўжаева сайланди.

«ЎҚИТУВЧИЛИК — СЕВГАН КАСБИМ»

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти кечки бўлим студентларининг кўпчилиги завод ва фабрикаларнинг илғор ишчиларидир. Улар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртида билим олмоқдалар.

Куни-кеча институтнинг мажлислар залида «Ўқитувчилик — севган касбим» деган мавзуда кеча ўтказилди. Кечки бўлимда биринчи марта ўтказилаётган бу кечани кечки тарих-филология факультети студентлари уюштирдилар.

Кечани институт партия ташкилотининг секретари С. Ўтанов очди.

Философия фанлари доктори, профессор Э. Юсупов «Совет ўқитувчисининг жамиятда тутган ўрни» деган мавзуда доклад қилди.

Кечада отахон ўқитувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. Шарофиддинов, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчилар К. Расулов, Қ. Обидова, профессор М. Аскарова ва бошқалар иштирок этдилар.

Бундай кечалар ўтказиш бундан буён анъана бўлиб қолади.

ТАРИХИЙ ЖОЙЛАР БЎЙЛАБ

Саёҳат ва экскурсиялар айниқса баҳор фаслида авжига чиқади. Чунки, табиат гўзаллиги кишиларни ўз бағрига чорлайди.

Шунинг учун ҳам Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси ходимларининг иши одатдагидан ҳам кўпайиб кетди.

Куни-кеча ҳамшаҳарларимиздан катта бир группаси Қора денгиз соҳилларига бўйлаб ўтказиладиган саёҳатга кузатиб қўйилди. Саёҳатчилар икки ҳафта давомида Закавказье республикаларининг бугунги ҳаёти билан қизиқиб танишадилар.

Шу кунларда Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидан келаётган туристик группалар кўпайиб бормоқда. Ҳозирда Ереван, Пермь, Челябинск, Волгоград, Москва шаҳарларининг саёҳатчилари ойтахтимизда меҳмон бўлиб туришибди.

Экскурсиялар бюроси меҳнаткашларнинг икки кунлик дам олишларини намунали ўтказишга яхши эътибор бермоқда. Тошкент Давлат университети ўқитувчилари, Ғазалкент консерва заводининг ишчилари, Тошкентда ўтаётган Бутуниттифоқ кибернетиклар анжуманининг қатнашчилари, Охунбобоев номли пахта тозалаш заводининг коллективи Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари бўйлаб ўтказиладиган саёҳатга жўнаб кетдилар.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори

«Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, қишлоқ ва овул Советларига сайлов ҳақидаги «Низом»нинг 46 ва 47-моддаларига мувофиқ меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг состави қуйидаги ташкилот ва жамоат вакилларидан иборат тасдиқлансин.

КИРОВ РАЙОНИ

1-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Қодиров** Манноб —Тошкент пойафзал савдоси коммунистик ташкилотидан

Раис ўринбосари—**Соатов** Рим Собирович— Тошкент пойафзал савдоси касаба союз ташкилотидан.

Секретари—**Икромова** Машкура—Тошкент пойафзал савдоси коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Королёва Лидия Ивановна — Тошкент пойафзал савдоси касаба союз ташкилотидан,

Ҳакимова Маҳсума —Тошкент пойафзал савдоси ходимларидан.

2-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Хожиалимов** Тўйчи—Тошкент ёқилғи базаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари— **Назимхонов** Махсум—Тошкент ёқилғи базаси коммунистик ташкилотидан.

Секретари—**Юдов** Дмитрий Федорович—Тошкент ёқилғи базаси коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Маҳкамов Абдуҳаким—Тошкент ёқилғи базаси касаба союз ташкилотидан.

Коробовцев Михаил Сергеевич —Тошкент ёқилғи базаси касаба союз ташкилотидан.

3-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Қўзиев** Эгамберди—Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Обидов** Накибхон—Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти коммунистик ташкилотидан.

Секретари—**Глазкова** Изольда Викторовна —Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходимларидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Омонбоева Роза Ҳакимжоновна—Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти касаба союз ташкилотидан.

Гайбуллаева Галина Васильевна —Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти касаба союз ташкилотидан.

4-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Фозилов** Комил Фозилович—Ўлка медицинаси институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Болтабоев** Муҳаммадали Муҳаммадалиевич —Ўлка медицинаси институти коммунистик ташкилотидан.

Секретари —**Тенчугина** Ирина Александровна—Ўлка медицинаси институти касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Қосимов Санжар Маҳмудович —Ўлка медицинаси институти коммунистик ташкилотидан.

Кокиева Ольга Васильевна—Ўлка медицинаси институти касаба союз ташкилотидан.

5-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси— **Арслонов** Абдурасул — Охунбобоев номли республика медицина билим юрти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари— **Шепилова** Таисия Федоровна —Охунбобоев номли республика медицина билим юрти касаба союз ташкилотидан.

Секретари —**Алимов** Карим— Охунбобоев номли республика медицина билим юрти ўқитувчиларидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Вильданова Фания Шокиржоновна—Охунбобоев номли республика медицина билим юрти коммунистик ташкилотидан.

Нажмитдинов Баҳодир—Охунбобоев номли республика медицина билим юрти касаба союз ташкилотидан.

6-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси —**Уманский** Владелен Давидович — Тошкент трикотаж фирмаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари— **Темникова** Полина Павловна—Тошкент трикотаж фирмаси коммунистик ташкилотидан.

Секретари—**Тожиев** Исмат — Тошкент трикотаж фирмаси коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Никоненко Геннадий Георгиевич—Тошкент трикотаж фирмаси касаба союз ташкилотидан.

Муҳаммадаминова Светлана Умаровна—Тошкент трикотаж фирмаси касаба союз ташкилотидан.

7-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Исаев** Тўлқин Маъсудович — булка-кондитер комбинати коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари—**Мясатов** Рашид—булка-кондитер комбинати коммунистик ташкилотидан.

Секретари —**Терешкина** Лариса Ивановна—булка-кондитер комбинати Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Ибрагимова Насиба—булка-кондитер комбинати коммунистик ташкилотидан.

Карчагина Валентина Ивановна —булка-кондитер комбинати касаба союз ташкилотидан.

8-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Лутфуллаев** Қутфулла — «Металлобитремонт» комбинати коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Ардатов** Дмитрий Ильич—«Металлобитремонт» комбинати коммунистик ташкилотидан.

Секретари—**Мельникова** Ася Абдурахмоновна — «Металлобитремонт» комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Карпушинский Александр Сергеевич — «Металлобитремонт» комбинати касаба союз ташкилотидан.

Якушева Нина Георгиевна — «Металлобитремонт» комбинати касаба союз ташкилотидан.

9-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси —**Олтиев** Санд—Ўзбекистон ССР Фанлар академияси гидрогеология институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари— **Абдуллаев** Неъмат—Ўзбекистон ССР Фанлар академияси гидрология институти коммунистик ташкилотидан.

Секретари—**Дадаметова** Насиба —Ўзбекистон ССР Фанлар академияси гидрогеология институти касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Содиқов Саидакбар— Ўзбекистон ССР Фанлар академияси гидрогеология институти илмий ходимларидан.

Соколова Татьяна Николаевна— Ўзбекистон ССР Фанлар академияси гидрогеология институти касаба союз ташкилотидан.

10-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Старигин** Владимир Емельянович—асбобсозлик заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари—**Ефимков** Анатолий Андреевич — асбобсозлик заводи касаба союз ташкилотидан.

Секретари—**Картавцева** Екатерина Антоновна—асбобсозлик заводи Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Шаипов Нешат—асбобсозлик заводи касаба союз ташкилотидан.

Сизов Николай Борисович—асбобсозлик заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

11-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Рашидов** Ғани Рашидович —5-бирлашган поликлиника коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари— **Диковская** Анна Артемовна—5-бирлашган поликлиника коммунистик ташкилотидан.

Секретара—**Мирраҳимов** Абдураҳоб—5-бирлашган поликлиника медицина ходимларидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Ибрагимова Кимсан—5-бирлашган поликлиника касаба союз ташкилотидан.

Орифжонова Насиба—5-бирлашган поликлиника касаба союз ташкилотидан.

12-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Абдуллаев** Ҳидай —«Чинобод» санаторийси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари—**Осмонов** Ҳамид—«Чинобод» санаторийси ишчилари ва хизматчиларидан.

Секретари—**Авдиенко** Мария Сергеевна—«Чинобод» санаторийси медицина ходимларидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Усенова Зера—«Чинобод» санаторийси ишчи ва хизматчиларидан.

Мадалиев Нўъмон—«Чинобод» санаторийси касаба союз ташкилотидан.

13-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси— **Абдуллаев** Неъматулла Абдуллаевич —2515-автоколонна коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари—**Зимин** Валерий Иванович—2515-автоколонна коммунистик ташкилотидан.

Секретари — **Козловская** Зоя Бахрамовна — 2515-автоколонна касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Абдурашидов Мирдагалим Қосимутдинович— 2515-автоколонна ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Сандвалиев Сандкамол—2515-автоколонна касаба союз ташкилотидан.

14-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Жўраев** Қодир Раҳматуллаевич—239-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Маҳмудов** Нишон Маҳмудович—239-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Секретари—**Глотова** Валентина Александровна—239-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Орбельян Аршалуис Ташевосовна — 239-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Файнберг Евгения Самойловна —239-мактаб коммунистик ташкилотидан.

15-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Майбуров** Валерий Николаевич—98-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Сафарова** Галина Лазаревна — 98-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Секретари—**Алексанова** Елена Левоновна—98-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Иванова Иранда Васильевна— 98-мактаб ўқитувчиларидан.

Барсукова Александра Ивановна—98-мактаб коммунистик ташкилотидан.

16-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Ҳисамитдинова** Фавзуя Кашафовна—5-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари—**Шапошников** Юрий Андреевич—5-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси коммунистик ташкилотидан.

Секретари—**Коваленко** Людмила Ивановна —5-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Зимина Александра Алексеевна—5-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси касаба союз ташкилотидан.

Халеева Севилья Аблазовна — 5-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси медицина ходимларидан.

17-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Пўлатов** Саидориф— «Ўзбексельмаш» заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари—**Бекетов** Виталий Евгеньевич — «Ўзбексельмаш» заводи коммунистик ташкилотидан.

Секретари—**Пузирева** Валентина Николаевна— «Ўзбексельмаш» заводи Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Йўлдошев Ҳамдам—«Ўзбексельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Волошина Тамара Ивановна — «Ўзбексельмаш» заводи касаба союз ташкилотидан.

18-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Кашфутдинова** Лариса Саҳибаевна— 105-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Яковлев** Иван Андреевич—105-мактаб ўқитувчиларидан.

Секретари—**Пичугина** Клавдия Филипповна—105-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Насриддинова Махсума — 105-мактаб ўқитувчиларидан.

Назарова Муҳаббат Тўрабоевна —105-мактаб касаба союз ташкилотидан.

19-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Витолин** Геннадий Иванович—алоқа институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Кришталь** Татьяна Михайловна—алоқа институти касаба союз ташкилотидан.

Секретари—**Мусаев** Мунир Аҳмедович—алоқа институти Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Шомуталов Шонсроил Шожалилович— ўсимликларни муҳофаза қилиш илмий-текшириш институти касаба союз ташкилотидан.

Секретари — **Лесина** Зинаида Михайловна — «Узқолхозстрой» бирлашмаси касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Бельчиков Эрнест Анатольевич — «Узқолхозстрой» бирлашмаси коммунистик ташкилотидан.

Крайнова Антонина Ивановна—«Узқолхозстрой» бирлашмаси касаба союз ташкилотидан.

29-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Коробкова** Клавдия Васильевна —43-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Селиванова** Евгения Дмитриевна — 43-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Секретари — **Сафарьян** Раиса Алексеевна — 43-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Венглинская Мария Антоновна— 43-мактаб ўқитувчиларидан.

Гобишева Ольга Михайловна — 43-мактаб касаба союз ташкилотидан.

30-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Атаева** Светлана Ивановна — «Юлдуз» фирмаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Нуруллаева** Фотима—«Юлдуз» фирмаси коммунистик ташкилотидан.

Секретари — **Хан** Аркадий Николаевич — «Юлдуз» фирмаси касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Климкина Галина Степановна— «Юлдуз» фирмаси касаба союз ташкилотидан.

Кичотова Ольга Ивановна — «Юлдуз» фирмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

31-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Арслонов** Мели — Ўзбекистон ССР маориф министрлиги коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Абдуллаев** Ҳамидулла — Ўзбекистон ССР маориф министрлиги коммунистик ташкилотидан.

Секретари — **Маҳсудова** Дамира — Ўзбекистон ССР маориф министрлиги касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Глазкова Таисия Михайловна— Ўзбекистон ўрмон барпо этиш корхонаси касаба союз ташкилотидан.

Герасименко Евгений Николаевич—Ўзбекистон ўрмон барпо этиш корхонаси касаба союз ташкилотидан.

25-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Тошпўлатов** Ғафур Мусаевич—вакцина ва сиворотка илмий-текшириш институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Зелецукин** Василий Петрович—Тошкент вакцина ва сиворотка илмий-текшириш институти коммунистик ташкилотидан.

Секретари— **Тиков** Параскевас Антонович—Тошкент вакцина ва сиворотка илмий-текшириш институти илмий ходимларидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Сандхўжаева Тамара Азизовна —Тошкент вакцина ва сиворотка илмий-текшириш институти касаба союз ташкилотидан.

Рослик Тамара Иосифовна — Тошкент вакцина ва сиворотка илмий-текшириш институти Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

26-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Очилов** Нурмон—Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари— **Кравченко** Леонид Николаевич—Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти коммунистик ташкилотидан.

Секретари— **Рябова** Надежда Антоновна—Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Мусякаева Роза Жиганшевна — СССР ички ишлар министрлиги Тошкент олий мактаби касаба союз ташкилотидан.

Набиев Нажим — СССР ички ишлар министрлиги Тошкент олий мактаби касаба союз ташкилотидан.

Радионов Михаил Васильевич —Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти коммунистик ташкилотидан.

27-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Котельников** Юрий Никитич—Ўзбекистон ССР гидрометеорология хизмати бошқармаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Резицкий** Пётр Константинович —Ўзбекистон ССР гидрометеорология хизмати бошқармаси коммунистик ташкилотидан.

Секретари— **Путилова** Тамара Васильевна—Ўзбекистон ССР гидрометеорология хизмати бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Гирник Екатерина Ивановна— Ўзбекистон ССР гидрометеорология хизмати бошқармаси коммунистик ташкилотидан.

28-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Ҳолмуҳамедов** Пўлат Раҳимович — «Узқолхозстрой» бирлашмаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Юсупова** Донния Собиржоновна —«Узқолхозстрой» бирлашмаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Абдураззоқов** Рўзи — «Ташхлебторг» коммунистик ташкилотидан.

Секретари — **Медведева** Лидия Леонидовна — «Ташхлебторг» касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Перфилов Александр Иванович — «Ташхлебторг» коммунистик ташкилотидан.

Қосимов Зикрулло — «Ташхлебторг» касаба союз ташкилотидан.

37-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Слабодян** Виктор Иванович — тамаки фабрикаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Мажидова** Мукаррам —тамаки фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

Секретари — **Убайдуллаев** Сунатулла — тамаки фабрикаси коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Ғойибназаров Абдусамат Исоқович—тамаки фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

Живаева Зоя Михайловна —тамаки фабрикаси коммунистик ташкилотидан.

38-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Журавлева** Ольга Викторовна — тамаки фабрикаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Лапко** Екатерина Андреевна— тамаки фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

Секретари — **Юсупова** Умсалям Искандеровна—тамаки фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Попова Майя Александровна — тамаки фабрикаси коммунистик ташкилотидан.

Садчикова Раиса Трофимовна— тамаки фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

42-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Боровик** Валентина Васильевна—«Гастроном» идораси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари—**Берлин** Александр Абрамович — Ўзбекистон ССР композиторлар союзи коммунистик ташкилотидан.

Секретари— **Долгарова** Ирина Антоновна — Ўзбекистон ССР композиторлар союзи касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Мўминжонов Шодил—«Гастроном» идораси ходимларидан.

Исчанова Ўғилжон Юсуповна— 4-уй бошқармаси ходимларидан.

43-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Бабаян** Евгений Николаевич — «Союзгипрорис» Тошкент бўлими коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Шевцова** Антонина Кузьминична — «Ўзтяжпромэлектропроект» институти касаба союз ташкилотидан.

Секретари — **Дагаева** Лилия Николаевна — «Ўзглавкомплектоборудования», Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Авербух Моисей Павлович —39-мактаб ўқитувчиларидан.

Ражабова Зеби Шариповна— «Ўзтяжпромэлектропроект» институти касаба союз ташкилотидан.

44-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Белжанашвили** Бечико Петрович—Тошкент Давлат консерваторияси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Налбандян** Владимир Иванович — Тошкент Давлат консерваторияси касаба союз ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Ғаниев** Ғайбулла Ғаниевич — «Ташхлебторг» коммунистик ташкилотидан.

Секретари — **Недельскина** Валентина Алексеевна — СССР ички ишлар министрлиги Тошкент олий мактаби коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Эшонова Шахзода —«Ташхлебторг» касаба союз ташкилотидан.

Рўзиев Темир —«Ташхлебторг» коммунистик ташкилотидан.

36-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Шулекин** Алексей Васильевич — «Ташхлебторг» касаба союз ташкилотидан.

Секретари—**Жамолова** Муяссар Маҳмудовна — Тошкент Давлат консерваторияси коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Гнеушева Елизавета Евдокимовна—Тошкент почтамти касаба союз ташкилотидан.

Сандалов Иван Васильевич — Тошкент почтамти коммунистик ташкилотидан.

45-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Галимов** Шавкат Мазитович—ҳайвонот боғи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари—**Бондарь** Раиса Павловна—9-болалар поликлиникаси коммунистик ташкилотидан.

Секретари —**Лепешкин** Владимир Александрович — 64-мактаб ўқитувчиларидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Мингулова Лидия Сергеевна — 64-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Жабакарицкий Иван Михайлович—64-мактаб ўқитувчиларидан.

46-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Ким** Александра Петровна—ошхоналар трести коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари—**Климов** Иван Иванович— «Узглавтара» коммунистик ташкилотидан.

Секретари — **Почкаева** Елена Викторовна—64-мактаб ўқитувчиларидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Фролов Василий Николаевич —47-мактаб ўқитувчиларидан.

Ғозитўраев Али Хожихонович—ошхоналар трести касаба союз ташкилотидан.

47-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси— **Валькова** Венера Кашафовна—Тошкент пахта тайёрлаш трести коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари—**Зоҳидов** Қобилжон Каримович—пахта тозалаш заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Секретари—**Тихонова** Александра Васильевна — пахта тозалаш заводи касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Чесноков Николай Григорьевич —пахта тозалаш заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Воронжев Иосиф Тихонович — пахта тозалаш заводи коммунистик ташкилотидан.

48-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Қодиров** Аброр Асрорович —Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари—**Пўлатов** Аббос—Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институти илмий ходимлари ва хизматчиларидан.

Секретари — **Миронец** Зофия Александровна —Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институти касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Юсупов Ёқуб—Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институти коммунистик ташкилотидан.

Ванюшин Владимир Григорьевич—Тельман номли маданият ва истироҳат боғи ходимларидан.

49-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Егоров** Юрий Васильевич —яйлов-мелиорация трести коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари— **Хошимова** Зарифа—район саноат комбинати касаба союз ташкилотидан.

Секретари—**Крутова** Алла Викторовна—яйлов-мелиорация трести Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Жериков Лев Кириллович—яйлов-мелиорация трести ходимларидан.

Бердиева Шакима—район саноат комбинати касаба союз ташкилотидан.

50-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Лебедев** Олег Владимирович—Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари— **Алимуҳамедов** Рафиқ—Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти коммунистик ташкилотидан.

Секретари —**Полякова** Галина Александровна— Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Маркова Анастасия Ивановна— Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти касаба союз ташкилотидан.

Мирдадаев Абдулла Мирҳайдарович—Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти касаба союз ташкилотидан.

51-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Пругер** Гертруда Иосифовна—142-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари— **Гришченко** Людмила Николаевна—142-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Секретари—**Мартинова** Евдокия Сергеевна—Роза Люксембург номли шифохона медицина ходимларидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Низомова Ҳидоят—142-мактаб ўқитувчиларидан.

Қосимова Нури—Роза Люксембург номли шифохона касаба союз ташкилотидан.

(Давоми бор).

Ҳамид Олимжон



ХАЛҚНИНГ ЮРАГИДА ЯШАЙДИ

«...Унинг шеърларини ўқиганимда ҳаёлимда апрель қадар ёш, баҳор янглиғ тоза шоирнинг сурати намоён бўлар эди...»

Мақсуд Шайхзоданинг оташи ҳамкасби ҳақидаги бу сўзларини Ҳамид Олимжоннинг бутун ижодига тадбиқ этса бўлади. «Ўрик гуллаганда»ни ким ўқимаган? Мактаб партасида ўтириб, бу шеърни ёд олганда кимнинг қалбига баҳор нафаси, баҳор қуёшининг нури кириб келмаган, дейсиз. Чиндан ҳам Ҳамид Олимжон апрель сингари гўзал, нурли, пок туйғулар куйчиси, бахт созандаси бўлиб қолди.

Шоир ўзининг тўнғич шеърларидаёқ бахт туйғусини тараннум этди. Бу бежиз эмас. Ҳ. Олимжон янгича ҳаёт гаштини сураётган авлод вакили эди. У янги ҳаётни барпо этаётганлар сафида эди. Шунинг учун ҳам унинг «Кўклам» деган биринчи тўпламидаёқ ана шу янги ҳаёт кишилари ўз аксини топди. У тўнғич шеърларидаёқ совет воқелигини оташин мисраларда тараннум этди. Бу давр — беш йилликлар даври, зўр тараққиёт даври, янгилик билан эскилик ўртасидаги кескин курашлар даври эди. Шоир ўз асарларида шунчаки, осонгина эришилган бахтни эмас, курашлар эвазига қўлга киритилган машаққатли бахтни куйлади. Унинг қаламида баҳор саболарининг майин нафаси, янги ҳаёт учун кураш садолари билан ажиб бир тарзда уюшиб кетди. Бу ҳол шоирнинг «Олов соч-лар», «Пойга», «Дарё кечаси», «Ўлка», «Бахт» сингари тўпламларига кирган асарларида айниқса, яққол кўзга ташланади.

Ҳ. Олимжон 1929 йили Маяковский билан учрашгач, поэзиядаги янгича услуб, ўткир публицистик руҳ шоир қаламида янада аниқроқ кўрина бошлади. «Бахтлар водийси» асари бунга мисол бўла олади. Бу шеърда янги ҳаёт туфайли — коллектив ҳўжаликка уюшиш туфайли истиқболга эришган кишилар бахти жўшиб куйланади.

Ҳамид Олимжон қаҳрамонлари ўз замонининг илғор кишилари — курашчан кишилардир. «Зайнаб ва Омон» (1938 йил) достонининг қаҳрамонларини эсланг. Бу достон фақат шоир ижодидагина эмас, ўзбек совет поэзиясида ҳам катта воқеа бўлди. Асар қаҳрамонлари эскилик сарқитларига қарши курашувчи, ўз бахт-саодатини эл-юрт бахти билан бир деб тушунувчи, янгича одамлардир. Достонда янгича ахлоқ нормаларининг шаклланиши ғоят чуқур психологик кечинмаларда тасвирланиши билан китобхонлар қалбини забт этди.

«Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» достонлари ҳам романтик гўзаллиги, қаҳрамонона туйғуларга тўлиқлиги билан ўқувчи хотирасида ўчмас таассуротлар қолдиради.

Ҳамиша ҳаётнинг биринчи сафида борувчи шоир Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидаёқ «Қўлингга қурол ол!» деб мурожаат қилди. Бахт шодлигини куйлаган қалам энди шу бахтни ҳимоя қилувчи қуролга айланди. Ватан деган муқаддас тушунча уруш йилларида шоир яратган асарларда, айниқса, жаранглаб янгради. Йўқ, у фақат туғилиб ўсган жойининггина эмас, бутун Советлар мамлакатининг фарзанди. Ана шу азамат ўлка тупроғига душман оёқ қўйган экан, муқаддас жанг ғалабагача давом этажак. Ҳамид Олимжоннинг машҳур «Россия» шеърида ҳам. «Жангчи Турсун», «Севги», «Шарқдан Ғарбга кетаётган дўстга» асарларида ҳам ана шу туйғу барқ уриб туради. Худди шу йиллари шоир халқимизнинг қаҳрамона ўтмишига мурожаат қилиб, «Муқанна» трагедиясини ёзганлиги бежиз эмас. Ҳамид Олимжон босқинчиларга чидаган, қурашган ва ҳамиша ғолиб чиққан халқ қудратини яна бир бор тараннум этди. Шоирнинг уруш йиллари яратган асарларида яна бир муҳим хусусият кўзга ташланиб туради. Бу — совет воқелигининг энг ажойиб фазилатларидан бири — интернационализм ва халқлар дўстлигининг қудратини куйлашдир. «Раксананинг кўз ёшлари» балладаси, «Дўстлигимиз ҳақида», «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман» каби оташин мақолаларида Ҳамид Олимжон ягона оилага жипслашган совет халқларини ҳеч ким, ҳеч қачон оёқ ости қилолмаслигини ишонч билан тараннум этади.

Ҳамид Олимжонининг ҳаёт йўли ёрқин юлдузга ўхшайди. У ҳамиша нур сочиб тураверади, порлайверади, авлодлар қалбини нурга тўлатаверади. Қисқагина давр ичида шу қадар кўплаб асарлар яратган, ўзбек совет адабиётида социалистик реализмнинг шаклланишига улкан ҳисса қўшган шоир, Пушкин, Лермонтов, Горький, Островский асарларини ўзбек китобхонига тақдим этган таржимон, жўшқин куйчи, жамоат арбоби Ҳамид Олимжон «Мен элимнинг юрагида яшайман, эрк деганнинг тилагида яшайман» деганида тамомила ҳақли эди. У халқи қалбида абадий яшайди.

Ҳароратли балладалар

ҲАМИД Олимжон жаҳон адабиётининг эски жанрларидан ҳисобланган балладанинг ўзбек совет поэзиясида ривожланишига муносиб ҳисса қўшган шоирларнинг биридир.

Ўзбек совет адабиётида баллада жанрига оид асарлар яратишга бўлган дастлабки уринишлар 20-йилларда бошланган эди. Том маънодаги балладалар эса 30-йилларда вужудга келди. Ҳулди шу хил балладаларнинг энг пишиқ ва пухталаридан иккитаси («Она» ва «1924 йилнинг 22 январида Самарқанд») Ҳамид Олимжон томонидан ижод этилди.

Поэзиямизда ҳаётдаги ниҳоятда драматик, трагедик, қаҳрамонона воқеаларни романтик руҳ билан акс эттирувчи баллада жанри Улуғ Ватан уруши йилларида, айниқса, ривожланди. Уруш йилларида М. Шайхзода, Ойбек, Ғ. Ғулом, Ўйғун, Миртемир, Ҳ. Ғулом ва бошқа шоирларимиз томонидан яратилган ўнлаб балладалар ичида Ҳамид Олимжоннинг «Жангчи Турсун», «Раксананинг кўз ёшлари» номли балладалари ўз пафоси, характер яратиш усули, воқеани баён этиш услуби, ритмикаси ва бошқа хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради.

Ҳ. Олимжоннинг «Жангчи Турсун» (1924) балладасининг яратилиш тарихи ўзбек совет поэмасининг султонларидан бири «Зайнаб ва Омон»инг яратилиш тарихига ўхшайди.

Маълумки, Ҳ. Олимжон «Зайнаб ва Омон» поэмасини «Зайнаб» (1936) номли очеркидаги ғоявий мазмун асосида ёзган эди. «Жангчи Турсун» балладасини эса «Онанинг номуси» (Ҳ. Олимжон танланган асарлар, III т., Т., 1960) очеркидаги ғоявий мазмун асосида яратган.

«Онанинг номуси» очеркининг сюжетига асос бўлган воқеа ўз характери билан ниҳоятда балладабопдир.

Иқлимахон опа (очеркнинг бош қаҳрамони)нинг бошига қутилмаганда, шундай бир мусибат тушадики, у 75 ёшга кириб бунчалик заҳар-заққум ютмаган эди. Онанинг бошига бундай тоғнинг ағдарилишига, шу қадар ғам селн ичида қолишига ўғли Ортиқнинг кутилмаганда кўрсатган бадбахтлиги сабаб бўлади. Ортиқнинг ўз муқаддас бурчидан бош тортгани — Ватан ва халқ озодлиги учун бўлаётган урушдан қочганини эшитган онанинг тили сўзлашдан тўхтайди, баданини қалтиратади, жангдаги фарзандлар томонидан ёзилган хатларни ўз эгаларига ўқиб бераётган кўзларини ёшга тўлдиради. Она бу даҳшатдан қирқ кун ўтгандан сўнг, шом қоронғилигида уйига мажнунамо кириб келган ўғлини эртасига фронтга жўнатгач, қутулади.

Ҳ. Олимжоннинг бу материалдан давр учун ниҳоятда керакли, ўқувчи вужудида реакция уйғота олиш кучига молик поэтик асар чиқишига кўзи етган ва «Жангчи Турсун» балладасини бунёд этган.

«Раксананинг кўз ёшлари» умумсовет балладасининг энг сараларидан бири, Ҳ. Олимжоннинг энг сўнгги асаридир. Ватанимиз ўз бошидан оғир кунларни кечираётган пайтларида. Улуғ Ватан урушининг дастлабки йилларида, фронтга яқин жойлардан мамлакатимиз ичкарисига эвакуация уюштирилади. Кўчириб келтирилганларни ўзбек халқи ҳам гамхўрлик билан кутиб олди, улардан бирини аямади. Ҳ. Олимжоннинг «Раксананинг кўз ёшлари» балладасида ана шу реал воқеа романтик жўшқинлик билан укранлик келинчак Раксана, ўзбек қизи Сора ва доншманд чол образларини яратиш орқали бадиий акс эттирилган.

Ҳ. Олимжон баллададаги Раксана ва Сора образларини яратишда сир сақлаш приёмидан маҳорат билан фойдаланган. Биз Раксана қалбида нималар кечаётганини дастлаб унинг ҳаракатларидан билиб оламиз. Кичкина бир тугунчани багрига қаттиқ босиб олган Раксана Шаҳрихон йўлларида «қуёнгулик йўқолиб, Тонг тамом ёйилади. Дунё нур ичра қолиб, Қуёш билан тўлади.

Шоир бу рамзий тасвир орқали ғам-алам, қайғу-ҳасрат, кўз ёши, умидсизлик, мудҳиш ўлим устидан келажаги порлоқ ҳаётнинг, совет халқлари орасидаги бузилмас, қудратли дўстликнинг ғалаба қилганлигини равшан кўрсатиб берган.

Хуллас, Ҳамид Олимжоннинг «Она», «1924 йилнинг 22 январида Самарқанд», «Жангчи Турсун» ва «Раксананинг кўз ёшлари» асарлари умумсовет поэзиясида яратилган балладаларнинг энг етук намуналаридандир. Бу балладаларда қуёшдагидай сўнмас, ва совимас ҳарорат бор. Бу ҳарорат ёш авлодимизни жаҳон меҳнаткашларининг буюк доҳийси В. И. Ленин ишларига садоқат, халқпарварлик, ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашда ҳамиша ҳизмат қилади.

Мурод ИБРОҲИМОВ,
филология фанлари кандидати.

Улкан эстетик мерос

ҲАМИД Олимжоннинг эстетик меросн ғоят бой ва ранг-баранг бўлиб, адабий танқидчилигимиз, эстетик фикримиз тараққиётининг маълум бир даврида (1928—1944), тўғрироғи, ўзбек совет адабиётида социалистик реализм принципларини эгаллаш учун кураш олиб борилган бўронли йиллар даврида ўзига хос ўринни ишғол этадики, у йиллар ўзбек адабий танқидчилигини Ҳамид Олимжон илмий ишларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки баъзи қалам соҳиблари дунёқараши нисбатан чекланган, янги жамиятнинг тараққиёт қонунларини, шунингдек, янги адабиётнинг янги вазифаларини саҳтинча англаб етмаганликлари туфайли адабиётнинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини талқин этишда маълум камчиликларга йўл қўйилаётган бир пайтда, эрта ёшлигиданоқ марксистик методология билан қуроллаиган Ҳамид Олимжон мақолалари ўзининг жанговар руҳи, сиёсий ўткирлиги ва партиявий принципиаллиги билан алоҳида ярқираб кўринди,

Ҳамид Олимжон бизга қанчалик бой эстетик мерос қолдирганини билиш учун унинг адабиётшунослигининг турли соҳаларига бағишланган, ўз даврида (баъзилари ҳозирги давримизда ҳам) катта қийматга эга бўлган, катта-кичик ҳажмдаги 80 га яқин мақола ҳамда «Буюк Октябрь Социалистик инқилоби ва аксилинқилобий ўзбек буржуазия адабиёти» сингари чоп этилмай қолган монографиясининг ўзиниёқ эътироф этиш кифоя қилади.

Маълумки, 20- ва ҳатто қисман 30-йиллар совет адабиётшунослиги олдида турган энг муҳим проблемалардан бири маданий меросга муносабат масаласи эди. Бутун совет адабиётида бўлгани сингари ўзбек совет адабиётида ҳам маданий меросга турлича нотўғри қарашлар бўлди. Бир гуруҳ адабиётшунослар (Ж. Боибўлатов сингари) классик шарқ адабиётимиздан мутлақо воз кечиб, батамом янги — пролетар адабиётини яратиш ғоясини илгари сурсалар, баъзилар маданий меросга танқидий муносабатда бўлиш позициясини унутиб, ўкн умуман кўкларга кўтариш позициясида турдилар.

Марксистик методология ва марксча-ленинча дунёқараш билан қуролланган Ҳамид Олимжон эса, юқоридаги ҳар иккала қарашга ҳам қарши чиқди. У инсониятнинг ақл-заковати, тафаккури, эстетик равнақи учун хизмат қилдиган, кенг халқ оммасининг орзу-умиди, кураш ва интилишларини тараннум этган асарлар бизга керак ва зарур, шуларнинг акси бўлган маданий меросдан эса биз воз кечамиз, деган позицияда турди ҳамда ўзининг илмий асарлари, адабий-танқидий мақолаларида бу қарашларни амалий жиҳатдан исботлади. Чунончи, унинг «Навоий — ўзбек типининг яратувчиси» (1938), «Навоий ва замонамиз» (1940), «Фарҳод ва Ширин ҳақида» (1939), «Алишер Навоий ҳақида» (1939), «Ўзбек халқининг улуғ шоири Навоий» (1938) сингари фақат буюк Алишер ижодинигина текширишга қаратилган 20 га яқин мақоласи ҳамда «Муҳаммад Амин Мукимий» (1938) сингари жиддий илмий ишлари бунинг мисолидир.

Горькийнинг ҳам илмий, ҳам адабий фаолияти билан яқиндан таниш бўлган, эстетик принципларини ўзига чуқур сингдирган ва ўз халқининг ғоявки ижодини жуда яхши билган Ҳамид Олимжон фольклорни ғоят эъзозлади. Унинг бутун ижоди фольклор билан суғорилгани ҳаммага маълум. «Мардлик, муҳаббат ва дўстлик достони» (1938), «Эр Торгин — бахт изласан халқ образи» (1938), «Жамбул ва халқ» (1938) каби мақолаларида халқ ғоявки ижодининг бадиий адабиётдаги ҳамда инсонни тарбиялашдаги буюк ролини қайд этиб, қуйидагича ёзган эди: «Ўзбек адабиётини юксалтириш, унинг тилини чин халқ тили қилиш, содда ва чуқур қилиш ва ниҳоят умуман айтганда, ўзбек совет адабиётини чин маънода халқчил қилиш учун фольклорнинг аҳамияти буюк бўлур».

Ҳамид Олимжон ўзига замондош ва даврадош адибларининг ижоди ҳақида ҳам махсус мақолалар ёзди, уларнинг муваффақиятли чиққан асарларини мақтади, камчиликларини аёвсиз фош этди, йўл-йўрқк кўрсатди. «Ҳозирги адабиётда Ғайратий» (1929), «Замон ва Шокир Сулаймон» (1930) мақолалари шулар жумласидандир. «Адабиётни англамасликка қарши» (1930), «Жадид адабиётининг синфий моҳияти масаласига» (1935) каби мақолаларда эса адабиётнинг ижтимоий ва синфий моҳияти, унинг жамиятда тутган ўрнини очиб беришга ҳаракат қилди. У Пушкин, Толстой, Шевченко, Горький, Серафимович, Маяковский, Лохутий сингари гигант сўз санъаткорларининг ижод сирларини ўрганди ҳамда уларнинг эстетик қарашларини ўзлаштирди, ўзбек адабий танқидчилигини, адабиётшунослигини, эстетикасини бойитди.

«Нафис адабиётда шакл масаласи» (1930) номли назарий мақоласида адабиётнинг бош вазифаларидан бири бўлган шакл ва мазмун бирлиги ҳақида марксча-ленинча эстетикасининг муҳим принципини илгари сурса, «Мен энг аввало комсомол, сўнгра шоирман» (1931) мақоласи эса, Некрасовнинг ҳаммамиз билган, «Шоир бўлмаслигинг мумкин, аммо граждан бўлишинг шарт» дейилган машҳур сўзлари билан ҳамоҳанг жаранглайди.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳ. Олимжон поэзияси шоир сиймосининг ҳайкали бўлса, унинг адабий-танқидий мақолалари, илмий ишлари бу ҳайкални яна бир поғона юқорироққа кўтаради ва бу ҳислат уни санъат оламининг улкан намояндалари қаторига қўшади.

Б. НАЗАРОВ.

Севги

Бир тутам гул тутиб боқдинг кўзимга,
Дединки, «Эсдалик бўлсин буни ол...»
Ўзимни йўқотдим, не дединг менга?
Тутганинг гулмиди ва ёким ҳаёл?

«Бутун ёшлигимиз жангдадир бугун,
Жангда ечилмоқда севги қисмати.
Жангдадир йигитлар, жангдадир қизлар,
Ҳавода учади маҳбублар хати.

Агарда қайтмасам шу мендан ёдгор»
Дединг-да, кўринди кўзларингда нам.
«Агар севар бўлсанг, унутма зинҳор...»
Узун киприкларинг устида шабнам.

Менга не керакдир бу ёлғиз қолиш?
Сенсиз ололмасман асло мен нафас.
Ўлимдан огирдир сендан ажралиш,
Торгина қалбимга кенг дунё қафас.

Орқангдан қолмасдан жўнадим жангга.
Қўзи кетган каби қўйининг изидан,
Гўё куёш ойни кузатганидай,
Ўт бўлиб орқангдан кезмакдаман ман.

Сен оташ ичида урасан жавлон,
Душман қолмасин деб севган элимда,
Мен ҳам қасос олиб тўкмакдаман қон,
Элим ва ёримнинг номи дилимда.

Мен ёвни қираман жангда беомон,
Сени ахтараман бир нафас тинмай,
Бир қўлда қиличим, бир қўлда қурол,
Севгувчи қалбимда нола қилар най.

Сенга юборганим оташин бўса,
Енгил шабодадек учар ҳавода,
Жанг бўлган жойларда лабингни излар,
Ва баъзан дарбадар кезар самода.

Балки учрашмасмиз биз энди мангу,
Бўсамиз ҳам қолар балки саргардон,
Лекин севишганлар қайтмас ўлимдан,
Лекин мангу қолар икки томчи қон.

Дунёда, албатта, бир ўлмоқ бор-ку!
Ҳеч ажаб эмасдир ўлсак жангаро,
Ёв билан курашда оқса қонимиз,
Бўлмай эл олдида юзимиз қаро.

Ўлимдан қўрқмаган эрлар қонидан,
Жуда табаррукдир қизарса тупроқ,
Ўша қон дўстларнинг ёритиб юзин,
Зафар йўлларини қилса ойдинроқ.

Жисмимиз йўқолур ўчмас номимиз,
Ғалаба тўйида бўламиз биз ҳам:
Азиз дўстлар билан учрашиб хандон,
Қадрдон эллларга қўярмиз қадам.

Гўзал Украина далаларида,
Яна аввалгидай табиат гуллар,
Буюк Россиянинг ўрмонларида,
Бизларни ёд этиб сайрар булбуллар.

Бугдой бошоғидай қўкка интилиб,
Мен шунда тупроқдан кўтарарман бош.
Сенинг қонларингдан ўсар қизил гул,
Ёқутга айланар сойлардаги тош.

Дунёни ёритар бизнинг севгимиз.
Иккимиз ҳеч қачон ўлмасмиз асло,
Ёри-дўстларимиз, севган элимиз.
Биздан ризо бўлиб топар тасалло.

ДУНЁ ГЎЗАЛ КЎРИНУР СЕНГА

Келтиради рашкимни доим,
Гулга қўнган асаларилар,
Аллақандай туюлар менга,
Яшарувчи хушбахт қарнлар.
Агар,— дейлар,
—кўнгил ёш эса
Оқ соч ўзи бир ҳуси бўлур.
Кўкраккача тушган оқ соқол,
Кўзларингга нурдай кўринур.
Дунё гўзал кўринур сенга,
Узи қанча эски бўлса ҳам,
Яшараркан, бутун табиат,
Ўз эгаси кўнганда қадам.

Лола

Лола боғчага чиқиб,
Кечга қадар гул терди.
Этак-этак тўплади,
Ҳар кунгидан мўл терди.
Сочига гул боғлади,
Чеккасига тақди гул.
Елкаларидан ташлаб,
Гулга кўмилди буткул.
Сўнгра уйга келдию,
Бирпас ётиб дам олди,
Киприги юмулди-да,
Гул каби ухлаб қолди.

ЖАВОБ

«Ўлтирасан нега доим жим?»
Дея яна бошладинг ҳужум.
Билгилки, жим ўлтирганимда,
Оташ пайдо бўлур танимда.
Ҳамсуҳбатим бўлганда хаёл,
Жим қоламан, гап келур малол:
Дунё-дунё ўй ва тушунча,
Бамисоли турнадай уча —
Уча ўтар осмонларимдан,
Ерга тушиб тутар баримдан,
Сўнгра қўниб хаёл қўлига,
Беихтиёр бошлар йўлига.
Жим ўлтириб қўзим тўнади,
Жим ўлтириб фикрим унади...

ОТАШИН ШОИР

У ҲАЁТДА ҳам излаш, изланишдан тинмас эди. У сўз санъатининг мангу қуримас чашмаси — халқ оғзаки шеъриятидан баҳра, кучқувват ола билар эди. Лекин у классик адабиётни, ўтмишнинг улуғ шоирларини шу даражада чуқур билар эдики, бенихоя уни классик адабиётнинг улкан тадқиқотчиси ва классик шеъриятнинг чинакам давомчиси деб ўйлаб қолардинг киши.

Николай ТИХОНОВ.

ҚАҲРАМОНГА ЎЛИМ ЁТ

ҚАҲРАМОНГА ўлим ёт бўлгани каби шоир учун ҳам ўлим йўқ деган мумкин. Унинг жони сўзларида, қўшиқларида яшайди. Халқнинг дудоқларида жаранглайди. Тарихнинг жонли тўқилмасига кириб, наслдан-наслга кўчади. Бу жуда оз кишиларга муяссар бўлади. Ҳамид Олимжон шундай шоирлардан эди.

ОЙБЕК.

БАҲОР ЯНГЛИҒ ТОЗА

УНИНГ шеърларини ўқиганимда ҳаёлимда апрель қадар ёш, баҳор янглиғ тоза, Сирдарё каби азмкор, лочин сингари қулочдор ва жўрттли шоирнинг сурати намоён бўлар эди. Кейинча уни шахсан таниб олганимдан сўнг, мен унинг ўз шеърига нақадар ўхшаганига ҳайрон бўлган эдим.

Мақсуд ШАЙХЗОДА.

СЕРҚИРРАЛИ ТАЛАНТ ЭДИ

МЕНГА унинг чинакам миллий заминда вояга етган, жуда кўп чашмалардан — ўзбек классик шеъриятн ва бошқа халқлар шеърларидан баҳраманд бўлган ижоди ёқар эди. Манзаралари ва кишиларнинг образларидан ҳайратланар эдим. Мен уларни янгича қиёфада кўрган ва шоир билан биргаликда севиб қолган эдим.

Марзо ТУРСУНЗОДА.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

тошкент оқшоми 3 бет

27 АПРЕЛЬ, 1971 й.

Реклама ва эълонлар

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШПРОМТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН

СИЗ 1-МАЙ БАЙРАМИДА ҚАРИНДОШ ВА ДЎСТЛАРИНГИЗНИ ТАБРИКЛАШ УЧУН СОВҒАЛАР ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.



Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазинлари:
1—«Чилонзор» массиви, 9 «Г-А» кварталлари;
6—марказ-5 66-уй.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

2—Вокзал олди майдони;
9—1-уй қурилиш комбинати;
15—«Болгар огороди» массиви;
16—Пролетар кўчаси, 28-уй;
19—Рисовая кўчаси;
42—«Халқлар дўстлиги» проспекти;
48—Ш. Руставели кўчаси, 101-уй;
50—Домбробод;
51—Пионер кўчаси;
60—«Синтетика» магазини—«Чилонзор» массиви 8-квартал;
67—Г. Гулом кўчаси;
75—Ш. Руставели кўчаси;
78—Қорақамиш массиви;
79—Ж. Обидова кўчаси;
74, 84—«Ташгрэс» микрорайони;
98—Высоковольтная кўчаси;
99—Луначарский шоссеси;
101—Тошкент трактор заводи;

„Ташпромторг“ магазинларига марҳамат қилинг!

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

„ТАШОБУВТОРГ“ МАГАЗИНЛАРИДА

КУП МИҚДОРДА БАҲОРГИ--ЁЗГИ МАВСУМ УЧУН ЭРКАКЛАР, АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ПОЙАФЗАЛЛАРИ МАВЖУД


28, 29, 30 АПРЕЛЬ БАЙРАМ ОЛДИ КУНЛАРИ МАГАЗИНЛАР ЭРТАЛАБ СОАТ 10 ДАН КЕЧ СОАТ 10 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

№1 «Гулнора» — Киров кўчаси, 23-уй;
№2 — Кафанов кўчаси, 106-уй;
№3 — 4-Турар-жой шаҳарчаси, Лисунов кўчаси
№5—Жарқўрғон кўчаси, 35-уй;
№6—Истиқбол кўчаси, 2-уй (Қўйлиқ);
№7 — Новосибирск кўчаси, 17-уй;
№10 — Луначарский маркази;
№13 — У. Юсупов кўчаси, 119-уй;
№15 — Навоий кўчаси (шаҳар ярмаркаси);
№17 — Навоий кўчаси, 11 уй;
№19 — Черданцев кўчаси, 2-27 уй;
№23 — Ш. Руставели кўчаси, 43-уй;
№29 — «Чилонзор» массиви, 10-квартал, Қатор кўчаси, 15-63 уй;



«Ташобувторг» магазинларига марҳамат қилинг!



ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28|IV да **Дон Карлос**, 29|IV да **Чио-чио-сан**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27|IV да **Мирзо Улуғбек**, 28|IV да **Бой ила хизматчи**, 29|IV да **Уғирланган умр**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28|IV да **Хотинимнинг эри**, 29|IV да **Севишганлар хиёбони**, 30|IV да **Ёшликда берган кўнгил**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 27|IV да **Улимларни қолдириб дога**, 28|IV да **Биринчи бўса**.

Кино

27 АПРЕЛДА

Лочин изидан ва Оқ бўри (2 серия)—«ЎЗБЕКИСТОН» (кеч 7 ва 10 да).

Шайтоннинг малайлари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Қизил чодир (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кеч 6 ярим ва 9 да).

Ҳамроҳ (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, САНЪАТ САРОЙИ, «ВОСТОК», «КЎКЧА» (кечқуруи), «СПУТНИК» (кеч 6, 7 ярим ва 9 да).

Қочиш (2 серия, кеч 8 да). **Эльвира Мадиган** (кеч 6 да) — «МОСКВА».

28 АПРЕЛДА

Эльвира Мадиган — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Ҳамроҳ (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, САНЪАТ САРОЙИ, «ВОСТОК», «КЎКЧА» (кундуз ва кечқуруи). «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1, 3, 4 кеч 6, 7 ярим ва 9 да).

Лочин изидан ва Оқ бури (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10; кундуз 1, 4, кеч 7 ва 10 да).

Сеҳргар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «МОСКВА» (кундуз соат 12, кеч 6 да).

Турк огасининг васияти — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Қочиш (2 серия) — «МОСКВА» (кундуз соат 2, кеч 8 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

МОСКВА ЛУЛИЛАР ҚОЛЛЕКТИВИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

„БИЗ — ЛУЛИЛАРМИЗ“

Постановкачи—режиссёр ва балетмейстер—РСФСРда хизмат кўрсатган артист И. Курилов.

ПРОГРАММАДА: айиқ билан нураш, акробатик ўйинлар, жонглёрлик, масхарабозлик интермедиялари, лўлиларнинг халқ ашулалари ва рақслари ҳамда ҳар турли цирк томошалари.

Лўлилар коллективининг бадиий раҳбари—РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими Я. Бреслер.

Томошалар кеч соат 7 яримда бошланади.

Шанба кунлари: кундуз соат 3 ва кеч 6 да;

Якшанба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да томошалар кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ҳар куни эрталаб соат 11 дан ишлайди.

Телевизор

27 АПРЕЛЬ

СЕШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Рангли телевидение. «Ёзма иш». Телевизион бадиий фильм. 18.30 Миллионлар ленинча университети. **Тошкент кўрсатади.** 19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 «ҚИЗИЛ ГАЛСТУК». Тележурнал (ўзбек тилида). **Рус тилида:** 19.40 КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА! «Юксалиш» программаси. 20.00 Пойтахтимиз меҳмонлари. Танаффус вақтида «АХБОРОТ» информацион программаси. **Ўзбек тилида:** 22.00 «АХБОРОТ» информацион программаси. 22.15 «БАХТЛАР ВОДИСИ». Ҳамид Олимжон туғилган куннинг 60-йиллигига бағишланган адабий композиция. 22.45 «ПЛЮШИХЕДАГИ УЧ ТЕРАК». Бадиий фильм. **Москва кўрсатади.** 24.00 «ВАҚТ» информацион программаси. 00.30 Кўрсатувлар программаси. 00.35 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 18.00 Болалар учун: Мультфильм. 18.10 «ДИҚҚАТ, КОНЦЕРТ БОШЛАНАДИ». 18.40 Қишлоқда маиший хизмат. Реклама. **Москва кўрсатади.** 19.00 Е. Образцова ижросида М. Блантер қўшиқлари. 19.20 Телефильм. 19.50 ЯНГИЛИКЛАР. 20.00 «РАҚС ҳаёти». 21.00 «ОИЛА БАХТИ». Бадиий фильм. 22.45 Музика ҳамма учун.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув кўрсатувлари программаси 18.00 Зоология. 6-синф. «Кавакчиликлар». (Ўзбек тилида). 18.40 Эстетика асослари. 9—10 синфлар «Санъат деб, нимага айтилади?». (Ўзбек тилида). 19.20 Сиртдан ўқитган 2-курс студентлари учун. Немис тилидан 11-машғулот. **Ўзбек тилида:** 20.00 Балет кечаси. 20.40 «ЎЗУН КЎЗИДАГИ СУВ ПАРИСИ». Бадиий фильмнинг 1—2 серилари.

28

АПРЕЛЬ

ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 13.00 Кўрсатувлар программаси. 13.05 Янгиликлар. 13.15 Болалар учун кўрсатув. 13.45 Барнаул телевидение студиясининг программаси. 14.45 Эстрада концерти. Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси оркестрининг концерти. Тошкентдан олиб кўрсатилади. 15.15 Театр бугун. 15.35 ЯНГИЛИКЛАР. 15.40 Москва кундузги кўрсатувларининг охири. **Тошкент кўрсатади.** 17.55 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида:** 18.00 Телевизион қўғирчоқ театри. 18.30 «АХБОРОТ» информацион программаси (рус тилида). 18.40 Миллионлар ленинча университети. 19.00 Низомий номидаги Тошкент педагогика институти татар ҳаваскорлар ансамблининг концерти. 19.40 «АХБОРОТ» информацион программаси. 20.00 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 20.05 ЯНГИЛИКЛАР. 20.15 Д. Марков. «КОММУНАРЛАР». Телеспектакль. Қисм. 21.55 «Кинопанорама. 23.05 Спорт кундалиги. 23.30 Рангли телевидение. Украина ССРда хизмат кўрсатган артист К. Огневойнинг концерти. 24.00 «ВАҚТ» информацион программаси. 00.30 Кўрсатувлар программаси. 00.35 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Ўқувчилар учун. «Ёш футболчилар мактаби». 18.40 «Пионер қўшиқлари—парвоз этг». 19.15 Социализм дунёси Халқаро программа 19.45 А. Наседкин халқаро конкурси лауреатларининг концерти. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 20.05 Ўзбекистон композиторларининг халқ чолғу асбоблари оркестри учун ёзган асарлари 20.45 КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА! «Юксалиш» программаси. 21.05 «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида. 22.05 «АВТОМОБИЛДАН САҚЛАНИНГ!» Бадиий фильм.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув кўрсатувлари программаси. 18.00 «Тасвирий санъат ҳақида суҳбат». 5—7 синфлар. «Совет Узбекистони санъати». (рус тилида). 18.40 Зоология. 6-синф. «Кавакчиликлар». (рус тилида). 19.20 Эстетика асослари. 8—10 синфлар. «Санъат деб, нимага айтилади?» (рус тилида). **Ўзбек тилида:** 20.00 «ДАЛАЛАРДАГИ МОМАҚАЛДИРОҚ». Бадиий фильм. **Рус тилида:** 21.20 Врач маслаҳати. 21.40 «Рақс галереяси». Фильм-концерт. 22.05 «Мен сеҳргар бўлиб ишлайман», Цирк томошалари.

Радио

27 АПРЕЛЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «КПСС XXIV Съезди қарорлари—ҳаётга!» турқумидан. «Шоликорлигимиз истиқболлари» (русча). 18.10 Ўзбек балетларидан рақслар. 18.40 Спорт эшиттиришн (ўзбекча). 19.20 Ҳаваскор талантлари концерти. 20.00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Пахтакорлар учун. концерт. 22.20 С. Акбарий шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 22.40 Шу куннинг ҳикоялари (ўзбекча). 23.15 Куйлар тинглаб гам оламиз. 24.00 Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ҳ. Назир. «Онанзор» ҳикояси асосида радиоинсценировка (ўзбекча). 19.30 Совет Армияси жангчилари учун концерт. 20.00 Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. 20.30 Қорақалпоқ куйлари. 20.50 «Қорақум дарёсининг бугунги ва эртанги истиқболи». Туркманистон радиосининг эшиттириши (ўзбекча). 21.00 «Ҳаётга муҳаббат» радиокомпозицияси (ўзбекча). 21.40 Москва.



„ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ“НИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАГАЗИНЛАРИ САВДОСИДА

1 МАЙ БАЙРАМИ УЧУН

ҚЎП МИҚДОРДА ВАТАНИМИЗДА ВА ЧЕТ ЭЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТИКУВ БУЮМЛАРИ, ҲАР ХИЛ МОДЕЛЬ ВА ФАСОНДАГИ ЭРКАКЛАРНИНГ КОСТЮМЛАРИ, ШИМЛАРИ ВА ҚЎЙЛАКЛАРИ, АЁЛЛАРНИНГ ҚЎЙЛАКЛАРИ, БЛУЗКАЛАР, ПЛАШЧЛАР, ҲАМДА БОЛАЛАРНИНГ ТАЙЁР КИЙИМЛАРИ ВА БОШҚА МОЛЛАР МАВЖУД.

БУНДАН ТАШҚАРИ ГАЗЛАМАЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ МАГАЗИНЛАРДА БАҲОРГИ — ЁЗГИ МАВСУМГА ЗАМОНАВИЙ ГУЛЛИ, МИЛЛИЙ ВА ҲАР ХИЛ ЧИРОЙЛИ РАНГЛИ, БОСМА ВА СИДИРГА БЎЯЛГАН ИП-ГАЗЛАМА, ШЕРСТЬ ШТАПЕЛЬ ГАЗЛАМАЛАР БОР.

Бир вақтнинг ўзида харидорларга колхоз бозорларида жойлашган магазинлардан ташқари «Таштекстильшвейторг»нинг магазинлари 28, 29, 30 апрель байрам олди кунлари эрталаб соат 10 дан кеч 10 гача ишлашини билдиради.

1, 2 ва 9 май кунлари «Таштекстильшвейторг» магазинлари ишламайди.

„таштекстильшвейторг“ магазинларига марҳамат қилинг!

Тошкент оқшоми 4 бет
27 АПРЕЛЬ, 1971 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари: Коммутатор —33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар —33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари —33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими 33-28-95, эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.
НАШР А—2537.
Р — 02474